2009 йил 10 сентябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 182 (11.493)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 Тошкент

**Бугун юрт иқтисодиётини кўтаришга хизмат қилаётган корхоналар қаторида Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган «Textile Impex» чет эл корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**



Саноат

## ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ушбу корхона маҳсулотлари бугунги кунда сифат жиҳатидан ҳар қандай чет эл маҳсулоти билан бемалол беллаша олади. Бозор талаби, харидор диди, эҳтиёжидан келиб чиққан корхона дизайнерлари кундан кунга янги-янги маҳсулот турларини яратиб, катта иштиёқ билан иш олиб бормоқдалар.

— Корхонамизда болалар, аёллар, эркаклар, ўсмирлар учун 20 хилдан ортиқ турда кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади, — дейди корхона директори Равшан Азимов. — Бир ойда 150 тонна материал тўқиб, бўяб, 2 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Ишлаб чиқариш техникаларимизнинг барчаси Туркия, Германия, Жанубий Корея каби хорижий давлатлардан келтирилган энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналардир. Маҳсулотларимиз асосан экспортга чиқарилади. Россияда савдо дўконимиз бор. Ички бозорда эса буюртма бўйича ишлаймиз. Имкон борича сифат белгимизни туширмасликка интилиб, янги маҳсулот турлари, янги иш ўринлари яратишга интилиб иш олиб бормоқдамиз. Электрон сайтимиз орқали барча янгиликларни бериб, ўзимиз ҳам ўзгариш, бозор талаби ва янгиликларидан хабардор бўлиб борамиз.

Биз корхона фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида цехларни айланар эканмиз, ишчиларга қандай қулайлик ва имтиёзлар яратилгани билан қизиқдик.

— 300 нафардан ортиқ ишчиларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улар озода цехларда ишлайдилар, иш кийими, иссиқ овқат билан таъминланганлар. Саломатликларини тиклаш учун спорт залимиздан ишдан бўш вақтларида бемалол фойдаланадилар, — дейди суҳбатни давом эттириб директор. — Ҳудудимиздаги «Гулобод» ва «Сарҳумдон» маҳаллалари болажонлари учун болалар спорт майдончаси қуриб берганмиз. Касаначилик бўйича 40 дан ортиқ ишчиларимизни узлуксиз иш билан таъминлаб, маошларини ҳам вақтида бериб боришга ҳаракат қиламиз. Турли савдо-саноат ярмаркаларида иштирок этиб, шартномалар тузишга интиламиз. Айни кунларда Беларуссия ва Украина давлатлари билан шартнома тузиш бўйича музокаралар олиб бормоқдамиз. Ёнимиздаги бўш майдончада савдо дўконимизни қуриш бўйича қизғин иш кетяпти. Мақсадимиз сифатли, бежирим, халқаро майдонга чиқа оладиган трикотаж маҳсулотларини яратиш. Токи бизнинг маҳсулотимиз дунё бўйлаб ўз харидорини топсин.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: «Textile Impex» корхонаси фаолиятидан лавҳа.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

**Яқинда мамлакатимизда Осиё Тараққиёт Банкининг котиби Роберт Даусон бошчилигида ушбу нуфузли халқаро молия ташкилотининг делегацияси меҳмон бўлди.**

## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЙИҒИЛИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАЖАК

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) – Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойиҳалари учун узоқ муддатга кредит ажратиш билан шуғулланадиган йирик давлатлараро молия институтларидан бири ҳисобланади. Банк 1965 йилда ташкил топган, унинг бош қароргоҳи Манила шаҳри (Филиппинлар)да жойлашган. ОТБни тузишдан мақсад – Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беришдан иборат.

Банкнинг юқори органи ОТБ Бошқаруви Кенгашидир. 2005 йил январь ойидан бошлаб ОТБ президенти Харухико Курода (Япония) ҳисобланади. Ундан олдин ушбу ташкилот президенти Тадао Чино эди. 2004 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва ОТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тадао Чинони "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлади.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири мазкур ташриф давомида ОТБ делегацияси вакиллари билан суҳбатлашди.

**ОТБ котиби Роберт Даусон:** «Осиё Тараққиёт Банкининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги етарли даражада фаол ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ОТБга 1995 йил августда аъзо бўлди. Ўша пайтдан буён кўплаб турли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда Осиё Тараққиёт Банки билан амалга оширилган дастурлар ва лойиҳалар хусусан қишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ирригация, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва божхона транзити ҳамда болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари ва бошланғич таълимни яхшилаш каби соҳаларни қамраб олган».

ОТБ ҳар қандай халқаро, шу билан бирга минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайдиган иқтисодий ташкилот ҳисобланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, ОТБ котиби "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши келгусида Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг дунёдаги иқтисодий салмоғи ўсишининг асосий муҳим омилларидан бири бўладиган стратегик лойиҳа ҳисобланишини таъкидлади.

— Биз Навоийда ушбу йўналишда янги истиқболлар бўй кўрсатадиган жорий зонанинг ташкил этилишини олқишлаймиз. У хусусан энергетика, транспорт, савдо, халқаро ишлаб чиқаришга оид ва бошқа соҳаларда фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай шароит яратилишига хизмат қилади. Аминманки, ушбу иқтисодий зонанинг ташкил этилиши эвазига ҳамкорлик янада самарали асосда ривожланади, - деди Роберт Даусон.

(Давоми 2-бетда).

2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## «ЎЗАГРОСУҒУРТА»: ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизда суғурта тизими тобора ривожланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори суғурта хизматларининг замонавий турларини ва соҳада рақобат бозорини ривожлантириш, суғурта ташкилотларининг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Бу эса аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматларининг кўлами ва сифати ошишига хизмат қилмоқда.**

Мамлакатимиз суғурта компаниялари орасида «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг алоҳида ўрни бор. Мазкур компания тузилган суғурта шартномалари, йиғилган бадаллар ҳамда суғурта тўловларини амалга ошириш борасида юртимиз суғурта бозоридаги етакчилардан бири ҳисобланади.

«Ўзагросуғурта" юзлаб суғурта тури бўйича хизмат кўрсатмоқда. Корхона, ташкилотлар ва аҳоли мулкини, транспорт воситаларини суғурталаш, ихтиёрий-тиббий суғурталаш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шулар жумласидандир. Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш компания фаолиятининг муҳим жиҳатларидандир. Айни пайтда экинларнинг турли табиий офатлар, заракунандалар ва касалликлар оқибатида нобуд бўлишидан кўриладиган молиявий зарарларни қоплашда ҳам фермерларга яқиндан кўмаклашаётир.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги «Академик асбоб» ишлаб чиқариш бирлашмасида уюштирилган тадбирда олимлар ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга мўлжалланган ўқув қўлланмалари, ихтиролар яратилганлиги маълум қилинди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Иттифоқ» гузарида ташкиллаштирилган хайрия тадбирида туманда яшовчи фахрийлар, имконияти чекланган инсонлар иштирок этишди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Санъатга ошно кўнгиллар» деб номланди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида тикиш бўйича ташкиллаштирилган «Ўзбегим қизлари» кўрик-танловида уч йиллик бичиш-тикиш мактаби қатнашчилари иштирок этишди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзуига бағишланган семинари бўлиб ўтди.**
- **Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси давом этмоқда.**
- **Наманган шаҳридаги «Тинчлик» майдонида вилоятнинг 16 ёшга тўлган фаол йигит-қизларидан бир гуруҳига фуқаролик паспортларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.**
- **Боғотлик тадбиркор Комилжон Рўзматов Маданият қишлоғида замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган «Иззат-Комил» деб номланган хусусий ғишт заводини ишга туширди. Корхонада ойига 300 минг дона хом ва 100 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.**
- **Урганч шаҳрида 795 ўринга мўлжалланган янги академик лицей фойдаланишга топширилди. Ушбу муҳташам илм масканини «Ирригация темир-бетон қурилиш» МЧЖ бунёдкорлари қуришди.**
- **Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари Истиқлол айёми арафасида ажойиб совғага эга бўлишди. 18 та оилага 6 хонали коттежлар берилгани барчани қувонтирди ва шодиёна янги уйларда нишонланди.**
- **Навоий шаҳрида бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий «Матбуот уйи» бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг қошида энг сўнгги русумдаги босмахона ҳам фаолият кўрсата бошлади.**
- **Қибрай туманидаги «Геофизика» спорт мажмуасида 1996-1997 йилларда туғилган болалар ўртасида футбол бўйича Тошкент вилояти турнири ўтказилди. У марҳум мураббий Маҳмуд Раҳимов хотирасига бағишланди.**

### ЖАҲОНДА

- **АҚШнинг Массачусетс штатидаги Кушинг коллежи кутубхонасида ярим асрдан буён тўпланган 20 мингта китоб талабаларга бепул тарқатилди. «Бостон Глоб» газетасида ёзилишича, ушбу кутубхона тўла таъмирланиб, замонавий ўқув марказига айлантирилади.**
- **«Финмаркет» нашрининг хабарига кўра, жаҳон савдо бозорларида нефтнинг нархи яна кўтарилди. Хом ашё биржаларидаги сўнгги савдолар чоғида унинг бир баррели 70 АҚШ долларига баҳоланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳолат нефть бозорининг барқарорлашувига олиб келиши мумкин.**
- **Ғарбий Африка мамлакатларида рўй берган сув тошқини натижасида 159 киши ҳалок бўлган. Ушбу табиий офатнинг келиб чиқишига июнь ойидан буён кузатилаётган тинимсиз ёғингарчиликлар сабаб бўлган.**
- **Афғонистоннинг Мустақил сайлов комиссияси мамлакатда яқинда бўлиб ўтган Президент сайлови натижалари юзасидан билдирилган ариза ва шикоятларни ўрганиб чиқди ва сайлов бюллетенларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор чиқарди.**
- **Япониянинг «Mitsubishi Heavy Industries» ва IHI корпорациялари ўзаро ҳамкорликда электр энергияси ишлаб чиқарувчи йирик ва кучли генератор қуриш лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда. Жами 21 миллиард долларлик маблағ сарфланиши кўзда тутилган мазкур қурилиш лойиҳаси само кенгликларида, яъни ердан 36 минг километр баландликда амалга оширилади.**
- **Германиянинг Франкфурт шаҳридаги халқаро аэропортнинг юклар сақланадиган бўлимидаги қутилардан бири портлаб кетиши оқибатида икки нафар ишчи тан жароҳати олган. Ҳозирча мазкур қути кимга тегишли эканлиги аниқланмади.**
- **«Синьхуа» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Хитойнинг Хэнань музофотидаги кўмир конларидан бирида фалокат юз берган. Фалокат натижасида 35 нафар кон ишчиси ҳалок бўлган ва 44 нафари бедарак йўқолган. Ҳозирда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.**

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЙИҒИЛИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАЖАК

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

ОТБ вакилининг айтишича, 67 та аъзо давлат Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, шунингдек, Европа ва Американинг саноати ривожланган 19 та давлати ҳисобланиб, ОТБ вакиллари ҳар йили ушбу ташкилотга аъзо ва фаол ривожланаётган давлатларнинг бирида ОТБ Бошқаруви, ушбу мамлакатнинг молия вазирлиги ва марказий банки раҳбарлари иштирокида учрашув ўтказади.

Шу ўринда, Роберт Даусон Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда, ОТБ Бошқаруви Кенгашининг жорий йил май ойи бошида Бали шаҳри (Индонезия)да бўлиб ўтган 42-йиғилишида ташкилотнинг 43-йиғилиши бир овоздан 2010 йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтиши ҳақида қарор қабул қилинганини қайд этди. Унинг сўзларига кўра, бу ОТБнинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги биринчи Йиллик йиғилиши бўлади.

Роберт Даусон бундай йиллик учрашувларда ОТБ иштирокидаги халқаро ҳамкорлик масаласининг музокараси бўлиб ўтиши, банкка аъзо давлатлар ўз мамлакатлари иқтисодий тараққиётининг намойиши акс этган, уларнинг фаолиятида ОТБнинг тутган ўрни, турли режа ва лойиҳалар ифодаланган тақдимот маросимлари – бизнес сессиялар ташкил қилиниши ҳақида сўз юритди.

Бали шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда йиғилиш иштирокчилари минтақавий гуруҳларга бирлашдилар. Осиё-Тинч океани минтақасининг 14 та давлати минтақанинг қўшма тақдимотини ўтказишди. Банк раҳбарияти бўлиб ўтиши мўлжалланаётган Тошкент учрашувида йиғилиш иштирокчиларининг минтақавий бирлашган ҳолда тақдимот ўтказиш тамойилини қўллаб-қувватлашни режалаштирмоқда.

Тошкентга ташрифи доирасида ОТБ делегацияси мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларда мазкур йирик молия институти томонидан ўтказилиши мўлжалланаётган йиғилишнинг ташкилий масалалари муҳокама қилинди.

— ОТБ Бошқарувининг навбатдаги йиллик йиғилиши бошланишига бир неча ой қолди. Олдинда турган кенг кўламли ташкилий ишларни амалга ошириш, биз ишонамизки, бўлажак тадбирнинг муваффақиятли ўтишига хизмат қилади. Ўзбекистон ҳукумати ҳозирданоқ ўтказилиши мўлжалланаётган йиғилишга жуда жиддий эътибор қаратаётганини кўряпмиз. Мен ушбу учрашувнинг энг юқори даражада ўтказилиши учун Тошкентнинг ажойиб имкониятларга эгалигига бизнинг ишончимиз комил эканини яна бир бор таъкидлашни истардим, — деди Роберт Даусон.

Унинг таъкидлашича, "ОТБнинг Тошкентда бўлиб ўтадиган йиғилишига 2 мингдан ортиқ иштирокчи ташриф буюради. Бугун Ўзбекистон етарлича миқдорда шинам меҳмонхоналарга, ривожланган транспорт инфратузилмаси, тарихий қадамжоларни ўз ичига олган мамлакатнинг қадимий шаҳарлари бўйлаб гўзал сайёҳлик йўналишлари ва беназир табиатга эга. Ўзбекистон ҳақида эшитиб, кўплаб делегатлар мамлакатингизнинг эътиборга сазовор жойларини бевосита таништириш мақсадида ушбу учрашувга ўз оилалари ва болалари билан келишларини айтиб ўтишни истардим. Шундай экан, мўлжалланаётган йиғилиш ўз навбатида бугунги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг бой тарихи, ўзбек халқининг маданияти, анъана ва одатлари ҳақида кенг маълумотларни ўзида жамлаган тақдимот маросими ташкил этиш имкониятини ҳам беради.

ОТБ Марказий Осиё давлатлари билан шериклик асосида ишлашга ва Ўзбекистонни айниқса кечаётган мураккаб иқтисодий инқироз даврида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилмоқда. Биз биргаликда минтақа мамлакатларининг инқироздан имкони борича тезроқ чиқиб кетишининг мақбул йўлларини топишимиз лозим.

Юқорида қайд этганимдек, ОТБ хусусан Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Минтақанинг айрим давлатлари иқтисодий инқироздан жиддий, бошқалари эса, балки камроқ даражада зарар кўришди. Бундай шароитда минтақавий банк сифатида ОТБнинг вазифаси – бир-биридан ўрганиш, давлатларни жипслаштириш, бизга умумий ҳамкорлик негизида мураккаб вазиятдан чиқишда ёрдам берадиган лойиҳалар излаб топишдан иборат. Шериклик ва ҳамкорлик банкимизнинг асосий сиёсати эканини яна бир бор таъкидлашни истардим.

Тошкент ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Роберт Даусон жумладан шундай деди: «Тошкент – инфратузилма яхши йўлга қўйилган, тарихи муваффақият билан режалаштирилган шаҳар. Менда, айниқса яшил кенгликлар, боғлар ва дарахтларнинг кўплиги катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон пойтахти мўл-кўл очилгувчи турли гулларга бурқангани билан ҳайратга солади. Ўйлайманки, айниқса табиий экологияни асраб-авайлаш фавқулодда долзарб масалага айланиб бораётган бугунги давримизда, шаҳарнинг экологик мувозанатига нақадар эҳтиёткорлик ва меҳр билан муносабатда бўлиш, унинг инфратузилмасини, коммуникация ва транспорт йўналишларини қандай қилиб тўғри ривожлантириш борасида Тошкент дунёнинг бошқа шаҳарларига намуна бўла олади. Бир сўз билан айтганда, менда мамлакатингизга амалга оширилган ташрифдан энг гўзал таассуротлар қолди».

Роберт Даусон билан суҳбатга делегациянинг яна бир аъзоси Жил Мари Дрилон хоним қўшилди.

«Мен Ўзбекистонга илк бор келишим. Менда бу йил ўзининг 2200 йиллигини нишонлаган Тошкент шаҳри катта таассурот қолдирди. Бу ниҳоятда гўзал, ўзига хос архитектура, ям-яшил чаманзорлар ва оромбахш боғларга эга бўлган шинам шаҳар. Тошкент тарих замонавийлик билан табиий равишда уйғунлашган Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир.

Мен ишонаманки, биз ОТБ бошқарувининг 2010 йилда бўладиган навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Тошкентни танлаб адашмаганмиз. Бу ерда энг олий даражадаги халқаро тадбирларни муваффақиятли ўтказиш учун зарур яхши ташкил этилган ва йўлга қўйилган инфраструктура мавжуд. Назаримда энг муҳими, бу биз Ўзбекистонга ушбу сафаримиз давомида учрашган одамлар ОТБнинг ўтказилажак йиғилишининг барча масъулияти ва аҳамиятини яхши тушунишади.

Барча маълумотлар шуни кўрсатадики, Банк бошқарувининг навбатдаги йиғилиши аъло даражада ўтади. Биз бунга шубҳа қилмаймиз».

**«Жаҳон» АА**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

**Пойтахтда маънавий-маърифий ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда бугунги обод ва фаровон ҳаётимизнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаш, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, ёш авлодни турли хавф-хатарлардан асраш долзарб масалалардан эканлиги қайд этилди. Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталик, тўкинлик, фаровонлик истиқлол берган энг буюк неъматлардир. Тинчликни асраб қолиш учун курашмоқ, фарзандларимиз келажагини турли хавф-хатарлардан асраш муҳимдир. Айтиш жоизки, глобаллашув жараёнида турли ёт ғоя ва оқимлар, миллатлар ва динлар ўртасида раҳна соладиган ғаразли мақсадлар кириб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса барчадан доим ҳушёр ва огоҳ бўлишни тақозо этади.

Шунингдек, йиғилишда ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, бу жараёнда маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари ҳамда етакчи ёшларни кенгроқ жалб этиш юқори самара бериши қайд этилди. Бу кунга қадар, яъни мусаффо осмон, тинч ҳаёт, тўкинлик ва фаровонликка эришгунча не-не оғир синовлардан ўтганлигимизни ёшлар яхши англамоғи керак. Таъкидлаш ўринлики, муборак зиёратгоҳлар, қадамжолар, маънавият ва маърифат ўчоқлари ёшларнинг қалби ва онгига мустақиллик ғоясини янада чуқурроқ сингдиришда муҳим ўрин тутади.

Бу эса ёшларни истиқлол туфайли қадр топган бой тарихимиз, қайта тикланган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу мақсадда Имом ал-Бухорий халқаро марказида диний маърифат тарғиботчиларининг малакасини, билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш йўлга қўйилгани эътиборга моликдир.

Давра суҳбатида барча ҳамкор ташкилотларнинг ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган фикр-мулоҳазалари тингланиб, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## «ЎЗАГРОСУҒУРТА»:

# ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Компаниядан маълум қилишларича, хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримовнинг соҳани ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари асосида кўрсатилаётган суғурта хизматларини янада ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унда суғурта хизматлари ҳажмини 2010 йилгача уч баробар ошириш кўзда тутилган.

2009 йил ғалла ва пахта кам ҳосиллиги суғуртасини ташкил этишда амалдаги қоидаларга ўзгартиришлар киритилиб, суғурта таваккалчиликлари сони 14 тадан 17 тага кўпайтирилди. Суғурта тарифларининг ҳар бир таваккалчилик тури ҳудудлар бўйича алоҳида белгиланиб, фермер хўжаликларига суғурта таваккалчиликларидан танлаб суғурта қилиш учун имконият яратилди.

Бу ўзгаришларда фермер хўжаликларига бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Жумладан, фермер хўжалиги ўз фаолиятини барча қалтисликлардан суғурта қилдирса, суғурта тарифини 10 фоизга камайтириш, агар хўжалик 3 йил давомида суғурта товони олмаган бўлса, тариф 30 фоизга камайтирилади.

«Ўзагросуғурта» компанияси томонидан ҳосил суғуртасидан ташқари, тижорат банклари томонидан ғалла ва пахта етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит маблағлари қайтарилишини суғурталаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Тўланаётган суғурта товонлари қарздорларнинг мажбуриятлари ўз вақтида бажарилишига кўмаклашмоқда. Бу эса банк мижозлари ва кредит олувчиларни тўлиқ суғурта ҳимоясига олиш ва кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминламоқда.

2009 йилнинг ўтган даврида тузилган суғурта шартномалари сони 2 миллион 39 мингтага етиб, хизматлар ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 22,6 фоиз ўсди. Йиғилган суғурта мукофотлари миқдори 18,5 миллиард сўмга етди. Жорий йилнинг ўтган даврида суғурта шартномалари бўйича олинган жавобгарлик доирасида суғурталанувчиларга 3415,6 миллион сўм суғурта товони тўланди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Пойтахтдаги Миллий санъат марказида «Қадимий санъат асарлари» мавзусида кўргазма иш бошлади.**

# КЎРГАЗМАДА ҚАДИМИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ

Юртимизда миллий анъана ва урф-одатлар, қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантириш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада айниқса, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ўрни алоҳида бўляпти.

Мазкур кўргазма ҳам "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига оид заргарлик буюмлари, либослар, нодир китоблар намойиш этилмоқда.

Қайд этиш жоизки, ушбу кўргазма тўрт қисмдан иборат. Унинг қадимий китоблар бўлимидан тарих, маданият ва санъатга оид нодир китоблар ўрин олган бўлса, либослар ва сўзаналар бўлимларида юртимизнинг турли минтақаларига хос миллий либослар, чопонлар, кўйлаклар, зардевор ва сўзаналар билан танишиш имконияти мавжуд.

Кўргазмага ташриф буюрган ҳар бир томошабин бир неча йиллардан буён шу давргача асраб-авайлаб, сақланиб келинаётган урф-одат ва қадриятларимизнинг яққол гувоҳи бўлишади.

**"Туркистон-пресс"**

## Шаҳар хўжалиги

# ГАЗ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

**Ўлкамизда кузнинг илк дамлари бошланди. Бундай пайтларда, айниқса жойлардаги газ таъминоти идораларининг юмушлари янада ортади. Бунинг боиси қиш, куз ва баҳор ойларида аҳолини узлуксиз газ билан таъминлаш, ҳеч қандай узилишларга йўл қўймаслик ниҳоятда муҳимдир.**



Зиммаларидаги бундай масъулиятни ҳис этган пойтахтимизнинг «Юнусободтумангаз» идораси жамоаси кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини қизғин олиб боришмоқда.

Бугунги кунда туман ҳудудида 70 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бундан ташқари, 1280 тадан ортиқ турли хил мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар мавжуд. Кўриниб турибдики, куз, қиш ойларида мазкур истеъмолчиларни узлуксиз газ билан таъминлаш осон иш эмас ва бунинг учун тараддуд ўзига яраша бўлиши лозим.

— Шулардан келиб чиқиб, ҳудудимиздаги газ тартиблаш пунктларини бўяш, таъмирлаш, техник тафтишдан ўтказишни тўлиғича бекаму кўст амалга оширишга эришдик, — дейди биз билан суҳбатда «Юнусободтумангаз» идораси бош мутахассиси Хайрулла Мирзоҳидов. — Шу билан биргаликда мавсум давомида газ босимини янада яхшилаш мақсадида мавжуд 108 мм. паст босимли ер ости сув қувуридан тирсак чиқарилиб, Шаҳристон 2-тор ва Конибодом кўчаларидаги паст босимли ер ости газ қувурига ҳалқаланди. Бундай ишлар «Отчопар» кўчаларида ҳам сифатли амалга оширилди.

Айни чоғда мазкур идора мутахассислари газ ўтказиш дудбуронларини профилактикалаш ишларини бошлаб юборишган. Албатта, амалга оширилаётган ушбу ишларнинг барчаси мавсум давомида истеъмолчиларни узлуксиз ва бехатар газ билан таъминлаш имкониятини беради.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: тумангаз идорасида қишга тайёргарлик ишлари режа асосида бажарилмоқда.**

## Иқтисодиёт

# БОЗОРНИ ЎРГАНИШ САМАРА БЕРМОҚДА

**Маҳсулотларнинг харидор талабига мос турларини тайёрлашда, албатта бозорни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.**

Пойтахтимиздаги «GAUSH» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бунга эътибор билан ёндошилаётгани яхши самара бермоқда, буюртмалар кўпайиб, харидор талаби қондириляпти. Корхонада бир неча йилдан буён полиуретан буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, ички бозорни шундай товарлар билан таъминлашда тадбиркорларнинг ҳиссаси катта. Энг муҳими эса цехларда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган ана шундай маҳсулотларнинг тури мингдан зиёдни ташкил этади.

Корхонада бугунги кунга келиб 40 нафардан ортиқ малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Шунингдек, касаначи ишчи ўринлари ҳам яратилган. Тадбиркорлар янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, буюртмаларини кўпайтиришга эришишмоқда. Уларнинг тоғ-металлургия корхоналари учун янги турдаги зарур товарларни ишлаб чиқаришга жорий этаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, мамлакатимиздаги Навоий ҳамда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг буюртмалари тез ва соз бажарилмоқда.

Айни пайтда корхонада янги маҳсулот турлари устидаги изланишлар давом эттирилмоқда, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Ўтган йилда 1,5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлган корхона аҳли жорий йилда ушбу кўрсаткични оширишни мақсад қилишган.

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

**Маҳаллийлаштириш дастури асосида корхоналаримизда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз харидорига эга бўлмоқда.**

Энг муҳими эса бундай товарлар четдан келтириладиган шундай маҳсулот ўрнини босиши баробарида бирмунча арзонлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, уларнинг ўзимизда тайёрланиши иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади, валюта заҳирасини тежашга ҳисса бўлади.

Пойтахтимиздаги «TEMIRCHI» акциядорлик жамиятида ҳам маҳаллийлаштириш дастури ижросига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу ерда асосан ёғ-мой тармоқлари корхоналари учун технологик жиҳоз ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилиб, улар бугунги кун талабларига мос бўлишига эришиляпти.

Ўтган йилда изланишлар асосида маҳаллийлаштириш тармоқ дастурига кўра яратилган БС биттер-сепаратори буюртма асосида корхоналарга ўрнатилиб яхши самара беряпти. Асосийси ушбу маҳсулот учун керакли бўлган барча деталлар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Шунингдек, мини технологик жиҳозлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Корхона мутахассислари томонидан яратилган мини цехлар эса ёғ ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга, кичик бизнес соҳаси ходимларига қўл келмоқда.

Жорий йилда маҳсулот турларини кўпайтиришга эришаётган «TEMIRCHI»лар ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробарга оширишни кўзда тутишган. Айни пайтдаги саъй-ҳаракатлар ана шунга яраша бўлмоқда.

# ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ

**Бугунги кунда бунёдкорлик кўлами ортиб бораётган мустақил юртимизда замонавий қурилиш ашёлари бино ва иншоотларда кенг қўлланилиб, уларнинг кўркини очмоқда.**

Бу борада ана шундай қурилиш ашёларини замонавий техника ва технологияларни қўллаган ҳолда тайёрлаётган тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта. Шаҳримиздаги «ZAZO» хусусий фирмаси ана шундай жамоалардан саналиб, бу ерда бугунги харидор талабига тўла мос алюмин ва пластик маҳсулотлари тайёрланади.

Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини харидор талаб ва таклифлари асосида тайёрлаш баробарида буюртмага кўра уларни ўрнатиб ҳам беришади. Бу борада моҳир мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлиб, уларнинг кўпчилиги хорижий давлатларда ўз малакаларини ошириб қайтишган. Корхона цехларида эшик, ром, витражлар турли ҳажм ва рангда тайёрлаб берилади. Шунингдек, бу ерда офис ва хонадонлар учун ранг-баранг жалюзилар ҳам тайёрланиб, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунёдкорликка муҳим ҳисса қўшаётган тадбиркорлар келгусида маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни режалашмоқда.

**Манзура ҲОЖИАКБАРОВА**

